



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

28 август 1970 йил, жума № 200 (14.666). Баҳоси 2 тийин.

ТАЪСИРЧАНЛИК— БОШ МЕЗОН

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми материалларини қонуний гуруҳ туйғулар ва зўр қувонч билан кутиб олдилар. Июль Пленуми кишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш асосида ун янада тарқатини элтириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, кишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш каби кишлоқ хўжалигини асосий масалаларининг янги программасини чизиб берди ва янги истиқбол марраларини белгиледи.

Партия ташкилотлари, барча идеология ҳодимларининг шу кунлардаги асосий эътибори КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга оширишнинг муҳим шарти — шу қарорларни меҳнаткашлар ўртасида нег пропаганда қилиш ва чуқур ўрганиш, меҳнаткашларнинг активлигини ошириш ва уларни янги меҳнат зафарларига олтатиришга қаратилгандир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрқон Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети июль Пленумида қилган докладыда шундай деган эди: «Партия халқнинг иқтисодий куч-қайратини ривожлантириш, унинг сиёсий ва меҳнат активлигини ривожлантириш ишининг муваффақиятини таъминлайдиган ҳал қилувчи шартларидан бири деб ҳамisha ҳисоблаб келиди ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайди».

Халқ хўжалигини тинмай юксалтириш, беш йилликнинг якуновчи йилидаги улғувор вазифаларни бажаришда оммавий-сиёсий ишларни замон талаблари даражасида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигига эришиш жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозир республикамизда 41 мингдан зиёд сиёсий ахборотчи, 137 мингга яқин агитатор, 65 мингдан ошди сиёсий ташкилотчилар — колхоз ва совхозларда, корхона ва нуришларда, хуллас ҳамма жойда оммавий-сиёсий ишларни олиб бормоқдалар. Уларнинг олдига турган шу кунлардаги вазифаларнинг кўлини нег ва улғувордир.

Республикамиз далаларида 4 миллион 100 минг тонна «оқ олтин» учун қизғин кураш келяпти. Ҳосилга-ҳосил қилишнинг ҳал қилувчи кунларида пахтадор ва меҳнаткорлар ҳар қанчагидан ҳам қаттиқ енг шимариб ишлайпти. Чунки даниқалар ганимат, Ҳуснат қимматлидир. Буни ҳар бир пахтадор яхши билади. Шунинг учун ҳам у астойдил меҳнат қилмоқда. Мана шундай пайтда ҳар бир агитатор, сиёсий ахборотчи ва сиёсий ташкилотчи унинг ёнида бўлиши, қизиқарли суҳбатлар ўтказиши, мамлакатимизда ва чет элда бўлаётган муҳим воқеалар тўғрисида хитоб қилиб бериши, нўшун колхоз ва совхозларда, бригада ва бўлимларда шу кунларда қилинган ишлар ҳақида сўзлаб, илғорлар таърифасидан ва фан ютуқларидан қандай фойдаланиш йўллари кўрсатиш керак. Бу ишга нег активнинг, энг аввало партия, совет ва халқнинг таъсирчанлиги раҳбарларнинг, колхоз ва совхоз мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларнинг фаол иштирокини таъминламоқ зарур.

Улғувор вазифаларнинг бажарилиши оммавий-сиёсий ишларнинг савиясига, партия ташкилотлари бу муҳим ишга қандай раҳбарлик қилаётганлигига боғлиқдир. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятлари дала шийонида агитуюнт. «Қи-зил бурчан» ташкил этилганига, бригада, бўлим ёки участкаларга агитаторлар, сиёсий ахборотчилар ва сиёсий ташкилотчилар бир-иниб қўйилганига ва улар мухтазам равишда суҳбат лекция, доғда ўтказётганликлари ҳақ эмас, балки бу оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларнинг таъсир кучига, меҳнаткашларни улкан вазифаларга даъват этиш, илҳомлантиришда эришган натижаларга қараб баҳо берилади.

Пахтадор совхоз партия комитети коллективнинг ҳар бир аъзо-сида меҳнатга коммунистлик муносабатларни шакллантириш учун оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларнинг турли хил форма ва методларидан изчиллик билан фойдаланмоқда. 100 га яқин агитаторнинг қарийб 60 проценти коммунистлардир. Улар орасида ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлар, кишлоқ экинчилари ҳам бор. Совхознинг Идбой Усманбеков бошлиқ бригада аъзолари агитаторлар суҳбатини ҳамisha ортиқча кутадилар. Чунки ҳар бир суҳбат уларда катта таассурот қолдирибди. Яқинда бу бригада аъзолари июль Пленуми қарорлари билан танишиб чиқиб ўз зиммаларига оширилган мазмунли қабул қилдилар. Ҳосилдорлигини 40 центнерга оширишга сўз бердилар.

Бирок айрим партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми материалларини нег пропаганда қилиш ишлари билан жиддий шуғулланмайдилар. Самарқанд, Қорағалпоғистон республикасининг баъзибир партия ташкилотларида меҳнаткашлар орасида оммавий-сиёсий ишлар тўғрисида аниқ олдирилмабди. Пастаргом районида бу муҳим ишга етарли эътибор берилмапти, деб бўлмайди. Райондаги Ленин номи колхоз партия комитети меҳнаткашларга КПСС Марказий Комитети июль Пленуми материалларини чуқур тушунириш юзасидан аниқ таъдирлар белгилаб, уларни изчиллик билан амалга оширишда активлик кўрсатмабди. Пленуми материаллари ҳар бир кишига етказилмаган. Бу масалага бағишланган партия йиғилиши олдидан пухта тайёргарлик қилинмай ўтказилганлиги сабабли колхоз коммунистлари уларнинг қизиқти-раётган масалаларини афторлича муҳокама қила олмадилар.

Агитатор, сиёсий ахборотчи, сиёсий ташкилотчи, барча идеология ҳодимларининг фаолияти партиянинг халқ олдида қўйган вазифаларини чуқур тушунириш олишлари, уларни бўғадорлик, имодий ишларга сифарбар этишлари билан белгиланади. Бу иш новаторлиқни, фан ва рақамларни афторлича таҳлил қила билишнинг талаб эдиди.

Партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ишларни ишлаб чиқариш вазифалари билан қўшиб олиб боришга, кишлоқларни гавийи барном қилиб тарбиялашга, коллективни қармоқона меҳнат сари ол-лантиришга вазифадор этилганлар.

Омман сиёсий жиҳатдан тарбиялаш — муҳим партиявий иш. Бу партия ташкилотларининг ҳамisha диққат марказида бўлиб кел-ди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ленин юбилейи вах-тасида туриб КПСС XXIV съездининг улғувор меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун кураш қилиб кетган ҳозирги пайтда бу му-ҳим вазифа янада катта аҳамият касб этмоқда.

Омман сиёсий ишларимизни шу куннинг муҳим талаблари да-рамасида олиб бораёйлик!

Республикамиз жанубида терим бошланди

«Зангори кема»лар
тайёр турибди

Съезд олди мусобақаси илғорларининг янги режалари

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ, Оқунбобоев
районидаги Карл Маркс номи
колхоз пахтадорлари юбилей
йилида 976 гектар майдоннинг
ҳар гектаридан 30 центнердан
ошди кўтариш мақсадида баракали
меҳнат қилдилар. Колхозда етиш-
тирилган барча ҳосил «зангори
кема»ларда териб олинди. Шу
мақсадда мавқуд 40 та терим а-
грегатори мавсумга шай қилиб қў-
йилган. Суратда (чапдан иккинчи)
устахона бошлиғи М. Алламов ме-
ханизаторлар Х. Хусанов, Н. Бо-
зоров ва А. Ашуров ўртоқлар бил-
ан навбатдаги ишлар ҳақида
суҳбатлашяпти.

Ф. Дутфуллаев фотос.

СУРХОНДАРЁДА ТЕРИМ БОШЛАНДИ

ТЕРМИЗ. («Совет Ўзбеки-
стони» муҳбири). Сурхондарё об-
ластининг жанубидаги Термиз
райони хўжалиқларида пахта
бўлтургидан 10-15 кун олдин
пишиб етди. Пахтачиларда ча-
ноқлар чаман-чаман очилиб қол-
ди. Райондаги Жданов номи,
«Октябрь» колхозларининг меҳна-
ткашлари Сурхондарё воҳасида би-
ринчи бўлиб пахта терилиш
бошлаб юбордилар.

Жданов номи колхознинг
Т. Ҳақназаров бошлиқ брига-
даси аъзолари ўтган йили ге-
ктаридан 32 центнердан ҳосил
олган эдилар. Улар юбилей йи-
лида 120 гектар майдоннинг
ҳар гектаридан 40 центнердан
«оқ олтин» хирмони кўтариш ва
«Октябрь» колхозининг 70 про-
центини машиналар билан те-
риб олиш мажбуриятини олди-
лар. Шу бригаданинг аъзолари
йиғим-теримда ҳам пешқадам-
ликни қўлдан бермайдилар.
Юз килограммчи теримчилар
Д. Ҳамроева, О. Темирова,
Х. Эшпазарова, О. Худойназа-
рова, С. Қириқова ва 80 кило-
граммдан пахта хирмонга тўн-
дилар. Уларнинг ҳар бири мав-

сумда 7-10 тоннадан пахта те-
риш мажбуриятини олди.
Колхознинг Ҳатмат Баротов
бошлиқ 40 центнери бригадаси
аъзолари ҳам 25 август кунин
теримга тушиб, икки кунда 8.5
тонна пахта тердилар. Бу, йил-
лик планининг 40 проценти таъ-
мин этди. Шунингдек, Рўзи
Раҳматов, Ражаб Худойберов, Эр-
ган Сариев ва бошқа ўртоқлар
бошлиқ илғор бригадаларнинг
аъзолари ҳам пахта йиғим-те-
римининг ёлмасига бошлаб юбо-
рдилар. Икки кунда колхоз бу-
ғича 50 тонна пахта тердилар.
Бу хўжалиқнинг меҳнаткашла-
ри юбилей йилида 1550 гек-
тар янак пахтанинг ҳар гекта-
ридан 30 центнердан «оқ ол-
тин» сотиш учун курашмоқда-
лар. Улар давлатга етказиб бе-
риладиган 4500 тонна пахта-
нинг 50 процентиини машина-
ларда териб беришга аҳд қи-
ладилар. Хўжалик ихтиёридаги 20
та «зангори кема»нинг ҳамма-
си теримга тахт қилиб қўйилди.
Колхозчилар пахта тайёрлаш
йилилик планини 25 октябрда,
социалистик мажбуриятни эса
Улуғ Октябр социалистик ре-
волюциясининг 53 йиллиги бай-
рами кунига бажаришга бел
боғладилар.

ЮБИЛЕЙ ТАНТАНАЛАРИДА

ОЛМАОТА, 27 август. (ТАСС
максус муҳбири). Бугун Қозоғис-
тон ССРнинг пойтахтида В. И.
Ленин номи майдондаги дохия
ҳайкали ёнида минглаб кишилар
йиғилибди. Меҳнаткашлар қозоқ
халқининг ҳаётидаги шонли сане-
республика ҳамда Қозоғистон
Коммунистик партиясининг 50
йиллигини байрам қилиб, совет
давлатининг асосини, совет
Иттифоқи Коммунистик партияси-
нинг яратувчисига бўлган меҳор-
луқбаб ва эҳтирмоларини бил-
диришга ҳайкал ёнига келдилар.

Л. И. Брежнев, В. В. Гришин,
Д. А. Кунаев, В. П. Мжаванадзе,
Ш. Р. Рашидов ўртоқлар, Қозо-
ғистон Компартияси ва ҳукумати-
нинг раҳбарлари, юбилей танта-
наларида қатнашётган делегация-
лар бу ерга келишди.

В. И. Ленин ҳайкалининг супа-
сига гулдастлар қўйилди.
Сўнгра М. Мамонлар Қозоғистон
халқ хўжалиги ютуқлари выстав-
касига кўл олишди. Виставка рес-
публиканинг 40 йиллигини байрам
қилиш кунларида очилган эди.
Шундан бери ўтган йиллар ичида
Қозоғистон ССР иқтисодий ва ма-
даният қурилишида олға янги
қадам қилди. Шуларнинг ҳам-
маси виставкада республика

ва Қозоғистон Компартиясининг
ярим асрлик юбилейига олинган
экспозицияда ўз ифодасини топ-
ди.

Меҳмонлар бош павильон, оғир
ва енгил саноат, кишлоқ хўжали-
ги павильони ва бошқа павильон-
ларнинг экспонатлари билан қизи-
қиб танишдилар.

Л. И. Брежнев, В. В. Гришин,
В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Раши-
дов ўртоқлар, тантаналарда қат-
нашётган делегацияларнинг раҳ-
барлари фахрли меҳмонлар дасту-
рарига бундай деб ёзиб қолдир-
дилар:

«Қозоғистон халқ хўжалиги
ютуқлари выставкаси — 50 йил
мобайнида совет халқларининг
ягона, қудратли, аҳил оиласида
коммунизм қурилиши йўлидан
шаҳмат қадам ташлаб бораётган
гуллаб-яшнаган, ҳар томонлама
камол топган социалистик респу-
блика айланган совет Қозоғис-
тон эришган каттақатта муваф-
фақиятларнинг таассуроти дили-
лидир.

Қозоғистонлик азиз ўртоқлар,
сизга саноатин, кишлоқ хўжалиги-
ни, социалистик миллий мадания-
тини ривожлантиришда бутун қал-
бимиздан янги катта-катта му-
ваффақиятлар тилаймиз!».

СОВЕТ ҚОЗОҒИСТОННИНГ МЕҲМОНЛАРИ

ОЛМАОТА, 26 август. (ТАСС мах-
сус муҳбири). Қардош қозоқ хал-
қининг байрами — Қозоғистон
ССРнинг 50 йиллиги ҳамда рес-
публика Компартиясининг ярим
асрлик юбилейини нишонлаш учун
Ватанимиз пойтахти қаҳрамон ша-
ҳар — Москвадан — КПСС Мар-
казий Комитети Сиёсий бюроси
аъзолигига кандидат, КПСС Мос-
ква шаҳар комитети биринчи
секретари В. В. Гришин бошлиқ
делегация, РСФСР Олий Совети Пре-
зидиумининг Раиси М. А. Яснов
бошлиқ делегация, Украина ССР-
дан — республика Олий Совети
Президиумининг Раиси А. П. Ляш-
ко бошлиқ делегация, Беларуссия
ССРдан — Беларуссия Министр-
лар Советининг Раиси Т. Я. Кисе-
лев бошлиқ делегация, Ўзбеки-
стон ССРдан — КПСС Марказий
Комитети Сиёсий бюроси аъзоли-
гига кандидат, Ўзбекистон
Компартияси Марказий Комитети-
нинг биринчи секретари Ш. Р. Раши-
дов бошлиқ делегация, Ўзбеки-
стон ССРдан — КПСС Марказий
Комитети Сиёсий бюроси аъзоли-
гига кандидат, Ўзбекистон
Компартияси Марказий Комитети-
нинг биринчи секретари Г. А. Алиев
бошлиқ делегация, Молдавия
ССРдан — Молдавия Компар-
тияси Марказий Комитетининг
биринчи секретари И. И. Бодол
бошлиқ делегация, Қирғизистон Ко-
мпартияси Марказий Комитетининг
биринчи секретари Т. Усубалиев
бошлиқ делегация, Тожикистон
ССРдан — Тожикистон Компар-
тияси Марказий Комитетининг би-
ринчи секретари Ж. Расулов бош-
лиқ делегация, Арманистон ССР-
дан — Арманистон Компартияси
Марказий Комитетининг биринчи
секретари А. Е. Кочиян бошлиқ
делегация, Туркменистон ССР-
дан — Туркменистон Компартия-
си Марказий Комитетининг бири-
нчи секретари М. Гапуров бошлиқ
делегация, Эстония ССРдан —
Эстония Компартияси Марказий
Комитетининг биринчи секретари
И. Т. Язвин бошлиқ делегация Ол-
маотга келишди.

СССР Қурулти Кучлари делега-
циясида СССР муҳофа министри
Совет Иттифоқи Маршалли А. А.
Гровет бошлиқлик қилмоқда.

Қаҳрамон шаҳар — Ленинград-
дан меҳнаткашлар депутатлари Ле-
нинград шаҳар Совети ижроия ко-
митетининг раиси А. А. Сизов
бошлиқликдаги делегация келди.

Тантаналарда қатнашш учун
Қозоғистон меҳнаткашлари билан
традицион дўстлик алоқаларида
бўлган «Киров» крейсери денгиз-
чиларининг делегацияси ҳам кел-
ди.

«ИНТЕРКОСМОС-3» ПАРВОЗИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Космос фазонинг ўрганиш соҳа-
сида социалистик мамлакатлар
ҳамкорлиги программасига муво-
фиқ 1970 йил 7 августда учирли-
ган «Интеркосмос-3» йўлдошини
бошқарувини оператив техника
группасининг навбатдаги мамлиси
26 августа бўлиб ўтди.

Қуёш ҳарорати анча ошганлиги
туфайли юз берган геомагнит ўз-
гарилар муносабати билан 14 ав-
густдан 25 августгача йўлдошда-
ги илмий аппаратлар айниқса зўр
бериб ишлади, нуду қўл ахборот
олинди.

«Интеркосмос-3» йўлдошида ил-
мий экспериментлар давом этти-
рилмақда. (ТАСС).

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ ҚИЗИТАЙЛИК БИРЛАШДИК—ЎЗДИК

Мендан ҳамкасбларим:

— Собир, коллективнинг босим илғорлигини
қўлдан бермай келаятганлигининг босим нима-
да? — деб сўрашади.

— Бирлик! — қисқача жавоб қиламан.

Ҳамма ўз вазифасини ҳалол бажарса, иттифоқ-
лик билан меҳнат қилса, баракат ҳам шу ерда хо-
зир-у-нозир бўлади. Биз бунинг амалда кўп дафъа
синаб кўрдик.

Уч мингдан зиёд тўқув станоклари шовқин со-
либ турган цехни бир кўз олдингизга келтиринг.
Биз ишлабган 1-тўқув фабрикасига қарайлик 2-
цех бир неча бригадаларга бўлинадди. Мен 15-
комплект бригадига бошчилик қиламан. Коллек-
тивимиз асосан хом сўр, доқа ҳамда «годовка»
деб номланган янги хил мато ишлаб чиқаришда.
Бригадада 64 тўқув станок бириктирилган. Шунча

станокни атиги икки тўқувчи бошқаради. Улар-
нинг бири таърибчи тўқувчи Р. Некрасова, ик-
кинчиси нуқул биринчи сорт мато ишлаб чиқа-
ришга азм қилган, шу ташаббус билан бутун
Иттифоқимизда ном чиқарган Р. Акмуловдир.

Меҳнатсевар бу тўқувчиларимиз смена ва ой-
лик топшириқларини 115-120 процент бажариб,
ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг ҳамма-
сини нуқул биринчи сортга топширишга эриша-
ётдилар.

Юқорида илғорлигимизнинг босим бирлик, де-
диди бригаданинг меҳнат қилаётган турли касб-
кордаги кишилар турмушда эмас, шунингдек,
корхонада — шида ҳам бир-бирлари билан ақа-
у, ола-сингилардек қадрдон.

Ҳар бир тўқувчимиз бираракайига 32 станокни
бошқаряпти. Бу ҳам бўлса янги техника ва ил-

гор технология ишлаб чиқаришга жорий этиб бо-
рилатганлигининг шарофатидан. Илғорлари
«5-Т» маркали ярим автоматлашган тўқув маши-
наларида ишловда. Бу машина ўнча мукаммал
бўлмағалиги сабабли тез-тез бўзилиб қолар, ип-
ни узар, шовқини эса қулоқни гаранг қиларди.
Биз бу машинани «АТС-105-М» маркали тако-
миллаштирилган янги хил дастгоҳларга алмашти-
рдик. Ҳозир цехимизда шундай машиналардан
1824 тагини ўрнатганмиз. Уларнинг ҳар бири би-
лан бир сменда 25-30 метр ўрнига 35-40 метр
хом сўр тўқишга муваффақ бўлялмиш.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий
Комитети, КПССнинг бўлажак XXIV съезди ша-
рафига муносив армуғон ҳозирлаш юзасидан рес-
публикамизнинг уч йиллик қорғончаси — Навоий
химия комбинати, Тўшкент тракторсозлик заводи

ва «Юлдуз» тўқувчилик фирмаси коллективлари-
ни бошлаб берган ватанпарварлик ташаббуси-
ни маъқулади. Биз шу кунгича илғилиш ўтказдик.
Бунда 1970 йил учун олинган социалистик маж-
буриятларимизни қайта кўриб чиқдик. Зимманимизга
оширилган мажбуриятлар олдин. Мажбуриятда
станокларнинг ҳарқат тегизлиги илғорлигига нис-
батан анча ошириш, рационализаторлик тақдир-
ларини ишлаб чиқаришга жорий этиш қўли билан,
қанда уқунларини техника носозлиғи туфайли
тўхта қолганини янада қисқартириш эвазига мах-
сулот ишлаб чиқаришга қарийб 10 процент оши-
риш кўзда тутилди.

Шунинг учун билан айтиш керакки, бригадамиз
ойлик ва квартал топшириқларини муттақил оши-
риб адо этапти. Бир неча марта комбинат би-
радаларига социалистик мусобақасининг қилиб
бўлди. Шу йилнинг иккинчи кварталидан бошлаб
мусобақа байроғи яна коллективимиз қўлига ўт-
ди. Меҳнатсевар коллективимиз беш йиллик план
топширигини 1969 йилнинг 16 мартдаёқ ортириб
уддалаган эди. Биз шу кунларда беш йиллик
планга қўшимча равишда 1 миллион 668 минг
метр мато етказиб бериш мақсадида меҳнат
қиламиз.

Собир АҚБАРОВ,
Тўшкент тўқувчилик комбинати 1-тўқув фаб-
рикасининг 2-цех коммунистик меҳнат бри-
гадаси бошлиғи.

Шеърнинг майдонига киришни
орзу қилган ҳар бир ҳаваскор
ҳаётни яна ҳам чуқурроқ ўрга-
нишни, воқеаларнинг моҳиятини
киришга интилишни лозим. Токи
ҳар бир шеърда бугунги кун,
жушқин ҳаёт нафаси сезилиб
турсин.

P. 14602